Стратегик ва минтақалараро ... кутубхонаси ... институти


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 36 (9.228) 1999 йил 31 март, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


***Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Хоразм вилоятига яқиндагина қилган сафарлари ҳамда халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқлари мамлакатимиз аҳли, жумладан, пойтахт меҳнаткашларида ҳам чуқур таассурот қолдирди.***

*● Энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз — бу ўсиб келаётган ёш авлоддир.*

*● Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат йўлини йўқотиши муқаррар.*

*Биринчи саҳифадан сўз*

## МУҚАДДАС БУРЧИМИЗ

*● Биз, ота-оналар, жамоатчилик бўлмаган жойларда бегона, ҳасад ва ёвуз кўз билан қаровчи кучлар пайдо бўлиши муқаррар.*

*● Агар биз озгина бўлса-да беparволикка йўл қўйсак, бундай ёвуз интилишларнинг пайини вақтида қирқмасак, бу бало-қазо халқимиз бошига кўп-кўп кулфатлар келтириши мумкин. Февраль воқеалари бу фикрни тасдиқлаб турибди.*

Юртбошимизнинг ғайрат-шижоати, халқимиз саодати йўлида фидойилигига ўрганиб қолган ватандошларимиз Йўлбошчимизнинг темир иродаси, эл-юрт манфаати йўлидаги сабот-матонатига яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар.

У ерда ҳам бир вилоят мисолида қўлга киритаётган ютуқларимизни такрорлаш билан бир қаторда мамлакат равнақи, миллатимиз тақдирига таҳдид солиши мумкин бўлган жиддий камчилик-нуқсонлар очиб ташланди. Айниқса, баъзи раҳбарларнинг ўз шахсий манфаатини хизмат бурчидан устун қўйиш, кадрларни танлашда қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилиши, кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш, режанинг ҳар қандай йўл билан бажарилишига уриниш, ёш авлод тарбияси, истиқлол мафкурасини шакллантиришга беparволик билан қараш ҳоллари кескин танқид остига олинди.

Биз юқорида муҳтарам Президентимизнинг нутқларидан айрим парчаларни бежиз келтирмадик. Улар замирида мамлакатимиз ҳаёт-мамоти учун сув ва ҳаводек зарур бўлган ёш авлодга ғамхўрлик, истиқлол мафкурасини кенг қарор топтириш, турли бало-қазолардан халқимизни, буюк келажагимизни эҳтиёт қилишга даъват ётибди.

Хотиржамликка берилиш, беparволик бир жиҳатдан 16 февраль воқеаларига сабаб бўлгани аниқ. Шунинг учун ҳам пойтахтимиз жамоатчилиги, айниқса, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари, туманлар ҳокимликларининг масъулияти, фидойилиги муҳим аҳамиятга эга. Тошкентлик меҳнат аҳлининг, бутун аҳолининг тинч-осойишта ҳаёти ва яратувчилик меҳнатини кўз қорачиғидек асрашимиз, таъминлашимиз ҳам фарз, ҳам қарз. Шу нуқтаи назардан Тошкент шаҳар ҳокимлиги кейинги пайтларда қабул қилган бир қатор қарорларни изчил амалга ошириши ғоят муҳим аҳамиятга эга. Зеро, улар Президентимиз кўрсатмалари ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилишига қаратилган.

Ушбу қарорлар юзасидан пойтахт туманлари, маҳаллаларида, йирик корхоналар, жамоа бирлашмаларида муайян ишлар қилинди. Шаҳарнинг йирик бозорлари анчагина тартибга тушди. Маҳалла фаолларининг ўз ҳудудларидаги уйларда кимлар яшаётгани, касб-кори, доимий турар жойининг тайини йўқ кишиларни аниқлаш, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш бўйича фаолиятлари бирмунча жонланди. Шу йил 16 февраль куни содир бўлган воқеаларга барча маҳаллалар, турар жой мавзелари, хонадонлар аҳлининг бу воқеаларни кескин қораловчи муносабатлари олиб борилган ишлар натижаси дейиш мумкин.

Шаҳар ҳокимлигининг пойтахтда норасмий юзага келган мардикор бозорлари муаммосини бартараф қилиш бўйича қарорининг ҳам изчил бажарилиши тинч-осойишта ҳаётни таъминлашга салмоқли ҳисса қўшиши мумкин. Бироқ, мазкур қарорнинг бажарилиши фақат расмий органлар иши эмас, балки ҳар бир маҳалла, хонадон аҳлининг ҳам ҳушёрлиги, шаҳар ҳокимлиги кўрсатмаларига виждонан амал қилишига боғлиқ. Кўпдан-кўп кичик ва хусусий корхоналарда «арзон ишчи кучи»дан фойдаланиш ишқибозлари ҳам тўғри хулоса чиқариб олишлари ғоят муҳим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 мартдаги «Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг олдини олиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини таъминлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори алоҳида тадбирлар асосида изчил иш олиб бориш, бу ишда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш, маъмурий органлар, корхона ва ташкилотлар кучларини бирлаштириш керак бўлади. Масалан, жойларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда ички ишлар органларига кўмаклашиш учун «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаларини ташкил этиш иши қанчалик масъулият ва ҳозиржавоблик билан адо этилса — шунчалик тезроқ кўнгилсиз воқеаларнинг олди олиниши турган гап.

Шунингдек, маҳалла қўмиталари қошида илгари судланган, сурункали алкоголизмга чалинган ва маиший турмушда ҳуқуқни бузишлар содир этишга мойил бўлган шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш учун оқсоқоллар, фахрийлар, аёллар ва ёшлардан, маданият ва дин вакилларидан иборат яраштириш комиссиялари тузиш ва унинг таъсирчан ишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, турар жойлар, меҳнат жамоаларида ёшларнинг таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, уларнинг ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишларига йўл қўймаслик чораларини кўришга бутун жамоатчилик, илмий-педагогик салоҳиятни сафарбар этиш мақсадга мувофиқ.

Хуллас, Истиқлолимиз берган буюк неъматларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, улуғ мақсадлар йўлидаги тинч яратувчилик меҳнатимизни ҳимоя қилиш, халқимиз осойишта ҳаётини таъминлаш ҳар бир пойтахтликнинг муқаддас бурчи, виждон амри бўлиб қолиши керак.

---

***Йўлбошчимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан қурилаётган Хотира майдони ва ноёб ёдгорлик иншооти ҳақида аввал ҳам хабар берган эдик. Шундан бери орадан ўтган муддат давомида бу ерда қандай ўзгаришлар рўй берди, қанча бунёдкорлик ишлари амалга оширилди? Мана шу саволларга жавоб топиш мақсадида яқинда Мустақиллик майдонида тикланаётган мажмуа қурилишида бўлдик.***

*9 Май — Хотира ва Қадрлаш куни*

## ПОЙТАХТИМИЗДАГИ НОЁБ ЁДГОРЛИК

Бугун бу ерда иш янада қизғин. Шаҳримиз ва республикамиздан таклиф этилган икки юздан ортиқ қурувчилар, ёғоч усталари, амалий санъат намояндалари ўз маҳоратларини ишга солишмоқда. Улар жумласига шаҳар йўл қурилиш тресты, «Четэлқурилиш» трестининг 2-қурилиш бошқармаси, «Чимёнқурилиш» бунёдкорлари, шунингдек Қўқон, Самарқанд, Хоразм, Андижон ва қўлга бериб ишлашмоқда.

Икки томони 14 та айвонча ва 42 устундан ташкил топган бу мажмуанинг ҳар қаноти узунлиги 60 метрни, баландлиги эса 5 метрни ташкил этади. Мажмуа ўртасидаги йўлакча ташриф буюрувчиларни мангу олов пойига: «Сен доим қалбимдасан, жигарим» деган сўзлар битилган мотамсаро она обидаси томон олиб боради.





бошқа вилоятлардан келган ўймакору меъморларни киритиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси эзгу мақсад йўлида қўлни-

Оддий ёғочларни тарашлаб уларга жило бераётган усталар ишини кузата туриб чиндан ҳам инсон қўли гул эканлигига тан берасан киши. Биз шу ерда меъмор Маҳмуд Мусаевни учратиб, у билан суҳбатлашдик.

— Муҳтарам Президентимиз ўтган қисқа муддат давомида ушбу майдончада икки марта бўлиб, бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишдилар, қурувчиларга ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар, — дейди у бизга. — Жумладан, давлатимиз раҳбари хотира лавҳаларининг шакли, умумий меъморий ечими юзасидан фикр-мулоҳазаларини айтиб, уларни етарли даражада ёритиш ускуналари билан жиҳозлаш, рангларни халқимиз руҳига мос равишда танлаш, устун ва айвонларни миллий ўймакорлик мактаблари анъаналари асосида безаш лозимлигини уқтирдилар.

— Усталаримиз ҳам Юртбошимизнинг мана шу таклиф ва истакларидан келиб чиқиб ушбу майдонни нафақат пойтахт аҳли учун, балки республикамиз меҳнаткашлари учун муқаддас даргоҳга айлантириш мақсадида изланишяпти, — дея унинг сўзини тўлдиради «Усто» бирлашмасининг катта устаси Абдуғани Абдуллаев.

Майдон қурилишини кўздан кечирган кишининг диққати айвончаларда бунёд этилган китоб нусха галереяларга қаратилиши табиий. Бу галереяларнинг ҳар бири бир вилоятга бағишланган бўлиб, уларнинг саҳифаларидан ўша юртлардан урушга кетиб қайтмаган халқимизнинг асл фарзандлари номи ўрин олади. У замонавий чироқлар нури билан ёритилади. Бу вазифа «Тошшаҳарнур» корхонасининг мутахассислари томонидан аъло даражада бажарилмоқда.

Қурилишни қизиқиш билан кўздан кечираётган йўловчиларни суҳбатга тортдик. Улар дил сўзларини биз билан бажонидил ўртоқлашдилар.

— Шу ўринда Президентимиз томонидан имзоланган «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги Фармони ҳақида тўхталмоқчимиз, — дейди меҳнат кексаси Йўлдошали Нурматов. — Биринчидан, у иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар, шунингдек, мамлакатимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо қилган Ўзбекистон ўғлонлари хотирасини абадийлаштирса, иккинчидан бугун ҳам сафларимизда туриб Ватан обрў-эътиборини юксалтиришга, ёшларни маънавий, ахлоқий жиҳатдан тарбиялашга ҳисса қўшаётган кишилар ҳурматини жойига қўйишга қаратилгандир. Гарчи шу дамгача «Ғалаба байрами» номи билан юритилиб, дабдабабозликка айлантирилган бу сананинг аслида туб моҳияти бошқача эканлигини бугунги ёшларимиз чуқур ҳис этишлари керак. 9 Май одамлар бошига мудҳиш кулфатлар келтириб, миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритишга олиб келган урушнинг аламли ва изтиробли хотиралари билан боғлиқ бир сана эди. Мана шу нуқтаи назардан қараганда 9 Майнинг Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши барчанинг дилидаги айни муддао бўлди. Ушбу сана шарафига очиладиган мана бу ёдгорлик эса нур устига аъло нур.

— Мен онаман, биз оналар фарзанд доғи нақадар оғирлигини ҳаммадан яхшироқ тушунамиз, — дейди кўп болали она Кароmat Қорабоева. — Мана орадан қанча йиллар ўтаяптики, онажонларимиз машъум урушда бевақт умри хазон бўлган ўғил-қизлари доғини унутиша олмайди. Кўзларида ёш билан уларнинг хотираси олдида бош эгишади. Шундай экан, бу майдон айниқса оналар учун муқаддас зиёратгоҳга айланиб қолишига ишонаман.

Оралиқ муддат яқин. Ўйлаймизки, бу йилги 9 Май халқимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзилиб қолади. Чунки у ўз номига яраша Хотира ва Қадрлаш куни бўлиши билан ғоят қадрлидир.

*Мақсуд ҚОБИЛЖОНОВ.*

*СУРАТЛАРДА: пойтахтимизнинг Мустақиллик майдонида бунёд этилаётган Хотира майдони ва Ёдгорлик мажмуасида.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

---

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

*Барча манбалардан олинган сўнгги ахборотлар*

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти «Янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан банк ва солиқ назоратини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Собит Алимбоев Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси этиб тайинланди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Виль Беганов Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси лавозимидан озод қилинди.

● Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган таниқли адабиётшунос олим, профессор, «Жаҳон адабиёти» журналининг Бош муҳаррири Озод Шарафиддиновга Юртбошимизнинг совғалари топширилди.

● **Кеча** Олий Мажлис Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● **Кеча** қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Адлия вазирлигида хотин-қизлар ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказида «Тинчлик ва болалар ҳуқуқлари» республика танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Мўйноқда Қорақалпоғистон фаолларининг йиғилиши бўлди. У ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўтган йилги якунлари ва ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга бағишланди.

● **Кеча** «Наврўз-99» республика театр фестивалининг тантанали очилиш маросими Ўзбекистон ёшлар театрида бўлиб ўтди. 30 мартдан 8 апрелга қадар давом этадиган фестиваль низомига кўра, ушбу кўрикда барча профессионал театрлар ва театр студиялари 1997-1998 йилларда қўйилган энг яхши спектаклларини намойиш этади.

● **Бугун** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Коэчи Абато ва элчихона мутасадди раҳбарларининг Ўзбекистон - Япония муносабатларига бағишланган оммавий ахборот воситалари ходимлари учун очиқ мулоқоти ўтказилди.

### ЖАҲОНДА

● Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Токио шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбек-япон ва Япон-ўзбек иқтисодий ҳамкорлик қўмиталарининг бешинчи қўшма кенгашида иштирок этди. Ана шу ташриф доирасида Токиода Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимот маросими бўлди. Токиога ташрифи давомида Ўзбекистон делегацияси Япония Бош вазири Кейзо Обучи томонидан қабул қилинди. Бундан ташқари Япония Ташқи ишлар вазирлигида «Қорақалпоғистондаги оналар ва болалар шифохоналарининг жиҳозларини такомиллаштириш» дастури бўйича алмашув ноталарини имзолаш маросими бўлиб ўтди.

● Бельгияда Ўзбекистонга бағишланган кўргазма ўтмоқда.

● **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Россия парламентининг иккала палатаси депутатлари ҳузурида анъанавий йиллик маъруза билан сўзга чиқди.

● **Бугун** Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоевнинг мамлакат парламентида коррупцияга қарши курашни кучайтириш таклифи билан маъруза қилиши режалаштирилган.

● **Кеча** Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг топшириғига кўра Бош вазир Евгений Примаков Белградда Югославия Президенти Слободан Милошевич билан Косово атрофидаги вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш хусусида музокаралар олиб борди. Милошевич Югославиянинг тинчлик музокараларини бошлашга тайёрлигини ва ҳатто агар НАТО бомбардимон қилишни зудлик билан тўхтатадиган бўлса Косоводаги ўз иштирокини қисқартиришга боришини айтди. Бироқ Милошевич билан музокаралар ўтказгандан сўнг Евгений Примаков билан Боннда учрашган ГФР федерал канцлери Герхард Шредер НАТОнинг Югославия бўйлаб зарбалари давом этаётганлигини айтди. Бундан ташқари келаётган хабарларга қараганда яқин вақт ичида НАТО ўзининг жанговар ҳаракатларини кучайтиришга тайёрланмоқда. Кеча кетма-кетига еттинчи кундирки, Югославия яна ракета-бомба зарбалари остида қолди. Ана шу вақт ичида турли маълумотларга қараганда минг нафардан ортиқ киши ҳалок бўлди. Косово аҳолиси оммавий тарзда ўз уйларини ташлаб кетмоқда. Албанияда юз мингга яқин қочоқлар тўпланиб бўлди. Ҳарбий танглик бошлангандан буён Югославия ҳаво ҳужумига қарши мудофааси НАТОнинг 7-9 та самолётини, 3 та вертолётини ва 30 та қанотли ракеталарини уриб туширган.

● Тожикистон Президенти И. Раҳмонов таниқли жамоат арбоби С. Кенжаевнинг ўлдирилганлиги хусусидаги ишни ўзининг шахсий назоратига олди. Маълумки, кеча Душанбеда С. Кенжаев ўзининг икки ҳамроҳи билан номаълум кишилар томонидан отиб кетилди.

● Литвага АҚШ конгрессменлари делегацияси ташриф буюрди. Ташриф давомида америкалик меҳмонлар Литва раҳбарияти билан музокаралар ўтказди.

● Германияда Осиё ва Европа мамлакатлари ташқи ишлар вазирларининг иккинчи анжумани бошланди.

● Ҳиндистоннинг шимолида юз берган кучли зилзила оқибатида юзга яқин киши ҳалок бўлди, 300 дан ортиқ киши жароҳатланди. Сўнгги силкиниш кучи 7 баллни ташкил этди.

### ИИВ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

Шу йил 30 март куни ички ишлар идоралари ходимлари томонидан Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида тезкор тадбир ўтказилаётган пайтда «Фарғона йўли» кўчаси, 95-«А» уй, 41-хонадонда икки номаълум шахс милиция ходимларига қуролли қаршилик кўрсатдилар. Натижада икки нафар милиция ходими жароҳат олди. Кўрилган чоралардан сўнг икки жиноятчи ўлдирилди, уларнинг шахси аниқланмоқда.

---

**КЕЧА**

## МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

***Республика Байналмилал маданият марказида «Халқ бирлиги» ҳаракатининг иккинчи қурултойи бўлиб ўтди.***

Маълумки, «Халқ бирлиги» ҳаракати 1995 йилда ташкил этилган ва ўзининг биринчи таъсис қурултойида республикадаги барқарорликнинг бош омили ва кафолати бўлмиш миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашни ўзининг бош вазифаси сифатида белгилаб олган эди.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш, умуминсоний қадриятларни қарор топтириш, жамиятда тотувлик ва ўзаро бир-бирини тушунишни мустаҳкамлаш, одамлар ўртасидаги инсонийлик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлида саъй-ҳаракатлар кўрсатган «Халқ бирлиги» ҳаракати аксарияти Тошкентда фаолият кўрсатаётган, Ўзбекистон бўйича эса 80 дан зиёд бўлган миллий маданий марказлар билан фаол ҳамкорлик ишларини амалга оширди.

Маълумки, миллий маданий марказларнинг ушбу ҳаракат фаолиятидаги ўрни бебаҳодир. Ана шу боисдан «Халқ бирлиги» ҳаракати республикамизда истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатларнинг вакиллари ўртасидаги тотувлик ва иттифоқликни сақлашда асосий боғловчи негиз сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ана шулар ҳақида, ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар хусусида ҳаракат Марказий кенгашининг раиси Т. Долимовнинг ҳисобот маърузасида сўз борди.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар ҳаракатнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида гапириб, ушбу ҳаракатнинг ижтимоий турмушдаги аниқ роли ва ўрнини белгилаб олиш зарурлигини таъкидладилар. Бундай ҳолларда фақатгина ички фаолиятни таъминлашга асосий куч-ғайратни сарфлаш билан чегараланиб қолиш асло мумкин эмас, балки бошқа жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан фаол ҳамкорликни давом эттириш даркор. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, куни кеча ушбу ҳаракат иккинчи қурултойининг очилиши арафасида Республика Байналмилал маданият марказида «Халқ бирлиги» ҳаракати янги «Фидокорлар» Миллий демократик партияси билан биргаликда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Бу нарса «Халқ бирлиги» ҳаракатининг ўзаро жипслашиш ва бирлашиш йўлидаги асосий мақсадлари ва вазифаларининг амалдаги инъикосидир.

«Халқ бирлиги» ҳаракатининг навбатдаги қурултойида унинг Марказий кенгашининг янги таркиби сайланди. Академик, ТошДУ ректори, Олий Мажлис депутати Т. Долимов яна «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг раиси этиб сайланди. Республика Байналмилал маданият марказининг директори К. Расулов, Қорақалпоғистон Жоқарғи Кенгеси қўмитасининг раиси К. Исмоилов, Турк миллий маданий марказининг раиси У. Салмоновлар «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий кенгашининг ҳамраислари этиб сайландилар.

*(Ўз мухбиримиз).*

*СУРАТДА: «Халқ бирлиги» ҳаракати иккинчи қурултойи қатнашчилари.*

*Рашид Галиев олган сурат.*






***Бугунги кунда шаҳримизнинг барча ҳудудларида, бошқармалар, маҳалла ва ўқув муассасаларида ёшларни иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш, касб-ҳунар ўргатиш мақсадида талайгина ишлар қилинмоқда. Мирзо Улуғбек тумани меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш органи бу йилги меҳнат ярмарка мавсумини ёшларга бағишлашди.***

*Бандлик*

# ЁШЛАРГА — АСОСИЙ ЭЪТИБОР





Бу туман шаҳримиздаги энг йирик ва аҳолиси кўп туман бўлибгина қолмай, бу ерда бирмунча саноат, қурилиш, илмий-тадқиқот институтлари ҳам жой олган. Унинг аҳолиси 254 минг киши бўлиб, шундан 152,7 минг киши меҳнатга лаёқатлидир. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ишсиз юрган фуқаролар учун меҳнат органи Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонуни асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Шунингдек, меҳнат органи тумандаги бўш иш ўринлари бор бўлган корхоналар ва ташкилотлар учун малакали ходимлар тайёрлаб бериш масъулиятини ҳам олишган. Ўтган йили туманда 1810 киши рўйхатдан ўтиб, 1394 нафар киши ишга жойлаштирилди. 207 нафар фуқаро эса турли йўналишдаги маслаҳатларни олишди, 129 нафари қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига юборилди.

Биз меҳнат ярмаркасида иштирок этганлар билан суҳбатлашар эканмиз, ҳар йили ўтказиладиган бу тадбирнинг нечоғли аҳамиятли эканлигининг гувоҳи бўлдик.

— Ҳадемай туманимиз ёшларининг кўпчилиги ўрта мактабларни тугатиб, бирон бир мутахассислик бўйича касб танлашга ҳаракат қилишади, — дейди туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Акмал Ҳошимжонов. — Шунинг учун ҳам асосий эътибор ёшларимизга қаратилди. Шунингдек айрим жазо муддатини ўтаб бўлган ёшлар ҳам меҳнат ярмаркасига жалб этилиб, ишга жойлашишларига яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда.

— Бизнинг ўқув масканимиз ўтган йили ҳам анчагина ёшларни ўз бағрига олган эди, — дея суҳбатимизга қўшилди 3-бизнес мактабининг физика ўқитувчиси Ҳусанжон Сарваров. — Натижада ўқувчиларимиз 1400 тага кўпайди. Ўқитувчилар сони 35 тага етди. Келиб билим олаётган ёшларимиз телефон тармоқларининг электр-монтёрлари, кабелсозлик, ЭҲМ операторлари, бухгалтерлик ҳамда халқаро телефон алоқалари коммутатори мутахассисликларини эгаллашади.

— Мен биринчи маротаба бундай меҳнат ярмаркасида иштирок этаяпман, — дейди навбатдаги суҳбатдошимиз Ҳилола Казакова. — Касбим ҳамширалик, шунинг учун шу соҳада иш ахтариб компьютер маслаҳатига мурожаат қилдим. Иккитаучта жойнинг манзилларини тавсия этишди. Мурожаат қилиб кўраман. Агарда ишлаш шароити менга тўғри келмаса унда бошқа касб ўрганиш бўйича бепул ўқишни ҳам тавсия этишди. Бир вақтнинг ўзида шунча маълумот олиш, албатта биргина менга эмас, бошқаларга ҳам маъқул келиши турган гап.

Меҳнат ярмаркаси уюшган ҳолда жуда файзли ўтди. Унда тўрт мингдан зиёд аҳоли қатнашди. 78 та корхона, ташкилот ва ўқув муассасалари ўзларида мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар рўйхатини тавсия этиб иштирок этишди. Тумандаги 50 та маҳалланинг оқсоқоллари ва котиблари ўзлари истиқомат қилиб турган маҳалладаги ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида ярмаркада қатнашдилар.

— Бу йилги меҳнат ярмаркасининг алоҳида аҳамият билан ўтиши ва кўпроқ ишсиз юрган ёшларга эътиборнинг қаратилиши бежиз эмас. Чунки бекорчиликдан ҳар қандай ҳунук воқеалар, номаъқулчиликлар келиб чиқади, — дейди меҳнат органи раҳбари Талъат Одилов. — Мана туманимиздаги 3 та ўқув комбинати, ўқув маркази, 4 та ўрта-махсус билим юртлари бор маҳоратларини намойиш этишди. Қисқа муддат, яъни эрталабдан тушгача бўлган вақт ичида 4000 та фуқаро иштирок этган бўлса, шундан 520 нафар фуқаро маслаҳат олди. 72 таси ишга жойлаштирилиб, 11 та ўқув марказига ўқишга юборилди. 1750 фуқаро ҳуқуқшуносдан, халқ таълими, ижтимоий ҳимоя, ҳарбий ватанпарварлик ва бошқа масалалар хусусида маслаҳатлар олишди. Фуқароларимизга, айниқса ёшларга озгина бўлсада касб ўрганишга, ўқишга ва ишлашга йўналиш бера олган бўлсак ғоят мамнунмиз. Шу боис фақат ярмарка билан чекланиб қолмай, маҳалла оқсоқоллари ва меҳнат органидаги инспекторлардан сўраб-суриштириб, нима билан дир машғул бўлсалар деймиз, Аёллар йили муносабати билан «Усто-шогирд» услубимиздаги ишимизни ҳам миллий либос тикувчи қизларни тайёрлашга киришганмиз. Яқин кунларда новвойчилик билан шуғулланувчи устомиз ўз ишини бошлайди. Ҳар ким ўз севган касбида меҳнат қилиб, роҳатини кўрса ана шундагина юртимиз тинч, обод ва кўркам бўлаверади.

*Гули АБДУЛЛАЕВА.*

*СУРАТЛАРДА: Мирзо Улуғбек туманида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қабул қилган Фармонлари бўйича Яккасарой туманида бир қатор амалий ишлар бажарилаётгани ўрганиш жараёнида равшан бўлди.***

*Фармон ва ижро*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — АМАЛДА

Жумладан, рўйхатда бўлган 83 ёлғиз пенсионерларга туман ижтимоий-таъминот бўлими томонидан ходимлар бириктирилган бўлиб, уларга турли хизматлар ҳамда ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Давлат томонидан ёлғиз пенсионерларни тўққиз турдаги бепул меъёрий озиқ-овқатлар билан таъминлаш учун 1998 йил ва жорий йилнинг ўтган икки ойида 747 минг сўмдан зиёд маблағ сарф қилинган. Уларнинг барчаси уй ҳақи ва коммунал хизмат учун ҳамма тўловлардан озод қилинганлар.

Бундан ташқари туман ҳокимининг қарорига асосан барча ёлғиз пенсионерлар моддий ва маънавий ёрдам олишлари учун оталиқ ташкилотларга бириктирилганликлари ҳам маълум бўлди.

Масалан, пахта-тозалаш саноати корхонаси 1998 йилда ёлғиз пенсионерлар Л. Лебедева, А. Ивановалардан хабар олиб, 7 минг сўмдан кўп ёрдам кўрсатган. «Тоштўқимачи» корхонаси эса И. Дайлиси, М. Расуловларнинг ҳар бирига 3 минг сўмдан ёрдам берган.

Яна шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, Қизил Ярим Ой жамияти томонидан 9 та ўта ёрдамга муҳтож ёлғиз пенсионерларга салкам 7 минг сўмлик озиқ-овқатлар тарқатилган. Битта ёлғиз қария эса ногиронлар аравачаси билан таъминланган.

В. Бабина, Н. Жўраева, М. Расулов ва бошқалар билан уйларига бориб суҳбат ўтказилганда улар Президентимиз ва давлатимиз раҳбарларига ўз миннатдорчиликларини билдиришди. Ўрганиш давомида якка-ёлғиз пенсионерларга Президентимизнинг 1999 йил 13 январдаги Фармонларига асосан, бундан буён озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилганлиги етказилди.

*Эргаш ОТАЕВ, Яккасарой тумани ҳокими ўринбосари, назорат инспекциясининг раҳбари.*

***«Тошкентнон» ишлаб чиқариш уюшмасига қарашли «Сағбон-нон» акциядорлик жамияти 1996 йили пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида иш бошлаганди.***

Корхонада бугунги кунда кунига 15 тонна атрофида 36 турдаги нон ва нон маҳсулотлари, шунингдек, 4 хил қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Нон маҳсулотларининг 8 тури шифобахш хусусиятларга эга

*Саноат*

# МАЗАЛИ ВА ТЎЙИМЛИ

бўлиб, парҳез истеъмолчиларига мўлжалланган.

Жамоада 85 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ўртача ойлик маоши 9 минг 600 сўмни ташкил этади. Ишчиларга яхши иш шароити яратилган.

Корхонанинг туман ҳудудида 3 та иссиқ нон фирма дўкони мавжуд бўлиб, уларга корхонага қарашли 2 та махсус автотранспорт воситалари иссиқ нонларни ўз вақтида етказиб бермоқда. Бевосита корхона қошида ҳам иссиқ нон дўкони мавжуд бўлиб, аҳолига турли хил нон маҳсулотларини иссиқ ҳолида етказиб, савдо хизмати кўрсатмоқда. Дўконда бир кунда 200 минг сўмлик маҳсулотлар савдо қилинади.

Корхонада Германиянинг энг замонавий «Винклер» дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, 1 кунлик ишлаб чиқариш қуввати 650 минг сўмни ташкил этади.

— Корхонамиз ўтган йилнинг иш якунлари бўйича 10 миллион 300 минг сўм соф даромад олди, — дейди «Сағбоннон» АЖ бош директори Асатилла Ҳикматов биз билан суҳбатда. — Ана шу даромаддан акциядорларимизга дивиденд тўлашни мўлжаллаб турибмиз.

*Мирзаали АКБАРОВ.*

***Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, минтақани сайёрамизнинг етакчи иқтисодий марказларидан бирига айлантириш мақсадига қаратилган. 1998 йил БМТ ҳомийлиги ва техникавий кўмагида ишлаётган гуруҳнинг иккита сессияси бўлиб ўтган эди. Марказий Осиё экспертларидан ташқари БМТ ва атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг масъул ходимлари иштирокидаги ушбу сессия бўлажак битим лойиҳасининг моддама-модда муҳокамасини давом эттиради. Ўзбекистон Президентининг минтақада ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш тўғрисидаги ғояси БМТ Бош ассамблеясининг 48-сессиясида ва Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилотининг Лиссабондаги саммитида янграган эди.***

Хўш, ядро қуролидан ҳоли ҳудуд нима? Сайёрамизда қандай ядро қуролидан ҳоли ҳудудлар бор? Бу ва шу каби саволлар билан биз жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатияси университетининг халқаро муносабатлар факультети аспиранти Учқун Дўстов билан суҳбатлашдик.

**— Кейинги пайтларда ядросиз ҳудуд ибо-расини кўп ишлатадиган бўлдик. Яъни бу**

*Ҳамкорлик*

# МИНТАҚА БАРҚАРОРЛИГИ САРИ

**ибора Президентимизнинг БМТнинг 48-сессиясида Марказий Осиёни ядросиз ҳудуд деб эълон қилиш таклифи билан чиққанларидан кейин у сиёсатчилар томонидан кўп ишлатила бошланди. Умуман ядросиз ҳудуд деганда биз нимани тушунамиз? Ядросиз ҳудудни яратишнинг қандай зарурати бор эди?**

— Ядросиз ҳудуд деганда авваламбор биз ядро қуролидан ҳоли, яъни ўз ҳудудида ҳеч қандай ядро синовларини ўтказмайдиган, ўзга давлатларда ядро қуролларини сақламайдиган, ўз ҳудудидан ядро қуролларини олиб ўтмайдиган, умуман, ядро қуролидан батамом ҳоли бўлган давлатлар ёки давлатнинг маълум бир қисми ёки маълум бир минтақани тушунишимиз мумкин. Агарда ядро қуроллари бўлмасдан туриб ядро билан боғлиқ, яъни атом электростанциялари ёки ядро чиқитлари сақланса ҳам бундай ҳудудни биз ядродан ҳоли ҳудуд деб атай олмаймиз.

**— Ядро қуролидан ҳоли ҳудудларнинг ташкил қилинишига асосий эҳтиёж қачон пайдо бўлди?**

— Бу авваламбор, иккинчи жаҳон урушидан кейинги совуқ урушнинг бошланиши билан ўзаро боғлиқ. Яъни АҚШнинг Япония шаҳарларидаги портлатишлари ўзининг ядро кучини кўрсатиш, шу билан бирга дунёнинг бошқа давлатларини қўрқитиб қўйиш учун қилинган иш эди. Шу нуқтаи назардан 1950 йиллардан кейин ядро қуролига қарши ҳаракатлар бошланиб кетди. Кўпгина давлатлар бошқа йўлда ўзларини тараққиёт йўлидан олиб боришга мажбур бўлдилар. Собиқ иттифоққа ўхшаган давлатлар эса бундай қуролни ишлаб чиқариш билан машғул бўлиб қолдилар. Яъни бундай қуролларни ишлаб чиқарсак, барча давлатлардан устун бўламиз деган мақсадда бу ишларни амалга ошира бошладилар. Айрим давлатлар эса аксинча. Бундай йўлни эмас, унга қарама-қарши бўлган йўлни танлади. Ядро қуроли бутун сайёрамизга ниҳоятда зарарли эканлигини ҳамма тушуниб қолди. Шунинг учун ядросиз ҳудудни ташкил қилиш масалаларини илгари сурдилар. 1957 йилга келиб АҚШнинг айни синов зонаси ҳисобланган Антарктида ҳудудларида кўпгина ғарбий Европа давлатлари ядро синовлари ўтказилмасин деган даъволар билан чиқдилар. Кейинчалик эса бу талабларни собиқ иттифоқ ҳам қўллаб-қувватлади. 1959 йилга келиб бу масала ҳал қилинди ва келишувга эришилди. Яъни Антарктида ҳақидаги шартнома имзоланди. Бу шартномага кўра, ушбу ҳудудда ядро синовлари ҳарбий мақсадда ўтказилмаслиги аниқ қўйилди. Бу нарса мазкур шартноманинг протоколларида ҳам қайд этилди. Бу ерда фақат ядро синовлари тинч мақсадларда ўтказилиши мумкин дейилган қисми бор эди. Бунинг эса салбий томони ҳам бор. Чунки тинчлик мақсадлари ниқоб остида кейинчалик ҳам бу ерларда ядро синовлари ҳарбий мақсадларда ўтказилмайди деган гапни айтиш қийин.

1967 йилда Тилатеололка номини олган шартнома Мексика пойтахти — Мехикода 23 давлат вакиллари иштирокида 1967 йилнинг 14 февралида имзоланган ва 1968 йил 22 июнда ратификация қилинган. Шу йилнинг ўзидаёқ космосдан ҳарбий мақсадларда, яъни фазода ядро қуролларини жойлаштирмаслик тўғрисидаги битимга ҳам эришилди. 1970 йилга келиб эса сув остида ядро қуролларининг синовларини ўтказмаслик борасидаги шартномага эришилди.

1987 йилда Фарьер ва Гренландия ороллари ҳудудлари ҳам ядро қуролидан ҳоли ҳудуд сифатида эътироф этилди. 1985 йилда Австралия, Янги Зеландия, Папуа — Янги Гвинея ана шу минтақадаги 10 орол давлатлари ҳам ядро қуролидан ҳоли ҳудуд деб эълон қилинган. Бу ўз навбатида Роратунге деб номланди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ядро қуролидан ҳоли ҳудудни тузишдан кўзланган асосий мақсад ядро қуролига эга бўлган етакчи давлат тажовузидан сақланиш; иккинчидан, ўз хавфсизлигини таъминлаш; учинчидан, жаҳон мамлакатларининг ядро қуролига бўлган интилишини камайтириш, қолаверса, табиий мувозанатни сақлаш асосий мақсад эди.

*Отабек ДАВРОНБЕКОВ ёзиб олди.*

# ҚАЧОНГАЧА?

***Биз 1972 йилдан буён Қорақамиш—2/4 даҳасидаги 26-уйда яшаймиз. Уй-жой коммунал хизмати барча турлари бўйича ҳамма ҳақларни тўлаб келамиз. Орамизда қарздорлар йўқ.***

Аммо уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти (6-ижара корхонаси) биз яшаётган уйда 1972 йилдан буён капитал-таъмир ишларини ўтказмади. Натижада уй ертўласидаги йўғон ва ингичка қувурлар чириб, винтел ва задвижкалар ишдан чиқди: қувур тешикларига чўп қоқилди, хомутлар боғланди, ишга ярамайдиган қувурлар қирқиб ташланди-ю, аммо ўрнига янгилари қўйилмади. Ёпилган винтел очилмайди, очиғи ёпилмайди, хонадон батареяларига иссиқ сув кирмайдиганлари ҳам бор. Ертўла электр системаси ишдан чиққан, қўл тегизиб бўлмайди — хавфли. Ёмғир, қор сувлари хонадонларга сизиб киради, томлар таъмирланмаган, йўлакларда аҳвол чатоқ: деворлар сувоғи намликдан уваланиб тўкилиб ётибди, эшиклари бузилган, дераза ойналари синиқ, ҳовли ва йўлаклар қишда ҳам, ёзда ҳам тозаланмайди.

Бу тўғрида ижара корхонаси раҳбарлари жуда кўп марта хабардор қилинган. Оғзаки хабарлардан ташқари жуда кўп марта ёзма аризалар ҳам берилган. Масалан, 1995 йил 4 сентябрда, ЖЭУ бошлиғи ариза варағига «5 кунда тузатиб бераман» деб ёзиб, ваъда берди. 1995 йил 4 октябрда Собир Раҳимов тумани ҳокимлигига ёзма равишда мурожаат қилинди. 1996 йили йили 6-ЖЭУ тугатилди. Ўрнига «Беҳзод» турар жой фонди бошқармаси тузилди. 1996 йил 18 мартда бу бошқармага ёзма илтимос қилинди. 1997 йилда 6-ЖЭУ яна тикланди. Унга яна ёзма мурожаат қилдик. Оғзаки мурожаатлар эса ҳисобсиз. Аммо бу илтимос ва талаблар фойда бермаяпти. Уй-жойлардан фойдаланиш ижара корхонаси бизлардан хизмат ҳақини олади-ю, аммо ўз бўйнидаги хизматларни бажармайди.

Бундай аҳвол қачонгача давом этади, арзимизни тинглаб, чора кўрадиган мутасаддилар топилармикан?

*26-уй бошқарувчиси: М. ПИРНАЗАРОВ. Жами 17 имзо.*

***Ҳамза тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси «Ташаббус — 98» танловига алоҳида ёндошиб, масъулият билан иш кўрди.***

*Тадбиркорлик*

# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

— Туманимизда фаолият кўрсатаётган хусусий кичик ва қўшма корхоналар фаолиятини ўрганиб, уларни танлов шартларига лойиқ ёки нолойиқ эканлигини кўриб чиққунча кўп изланишлар қилишга тўғри келди, — дейди товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Шуҳрат Ҳусанов. — Чунки ҳар бирининг ўзига хос изланиши, ятратувчанлиги, иқтисодиётимизга қўшаётган ҳиссаси мавжуд. Гарчи шундай бўлса-да бешта ишлаб чиқариш кичик корхонаси ва бешта ҳунарманд ўртасида беш босқичдан баҳслашув бўлиб ўтди.

Танловнинг 1—2-босқичи асосан тадбиркорларнинг йиллик бухгалтерлик ҳисоботлари, таҳлил тақдимоти ҳамда иштирокчиларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саволларга тест усулидаги жавоблари таркибида бўлди. 3, 4, 5-босқичи эса тадбиркорнинг ҳам, ҳунарманднинг ҳам бериладиган саволларга ўз иш фаолиятларидан келиб чиққан ҳолда жавоб беришлари лозим эди. Уларнинг иш фаолиятларини, ташкил этган кўргазмалари ва барча савол-жавобларни баҳолаш учун танлов ҳайъатидан ҳам масъулият билан ёндошиш талаб этилди.

Натижада қизғин баҳслар замирида ўтган беллашувда «Энг яхши тадбиркор» номини кичик корхона масъулияти чекланган жамият «Ногирон усто» жамоаси, «Энг яхши ҳунарманд» номини эса Жамшиддин Саидалиевлар қўлга киритишди.

Биз «Ногирон усто» кичик корхонаси менежери Димитрий Прототопов билан суҳбатлашдик.

— Жамоамиз 1996 йилда республика ногиронлари меҳнат қиладиган «Парвоз» жамияти таркибида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятга 4000 та ногирон аъзодир. Улар завод ва фабрикаларда ишлаган ва маълум вақт ўтгач асосий ишда ишламаётган ёки карилик пенсиясига чиққач ишни давом эттиришни истаган инсонлардир.

Биз кўп изланишлар қилиб, янги технологиялар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ўз олдимизга қўйилган мақсад сари интилиб, «Ногирон усто» деб ном олган кичик корхонамиз 1998 йилда тўлиқ фаолият кўрсата бошлади. Айни вақтда 50 дан ортиқ ногирон ва соғлом ишчилар меҳнат қилишмоқда. Биз ишлаб чиқаришга жорий этган янги технология ва методларимиз Ўзбекистон ички ишлар вазирлиги томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Шу боис хориждан келтириладиган, кийимларга қадаладиган, бошқалар учун арзимас ва кўзга кўринмас маҳсулот, эндиликда қанчадан-қанча валютани иқтисод қилаётир. 1998 йил якунларини кўриб чиққанимизда 35 минг АҚШ долларини иқтисод қилибмиз, ишимиз шу йўсинда давом этса бу йил 500 минг АҚШ долларини иқтисод қиламиз.

**— Димитрий Викторович, сизлар билан рақобатлаша оладиган корхоналар ҳам борми?**

— Ҳа, бор. Бозор иқтисодиёти шароитида рақобатга бардош бера олсагина, ишлаб чиқарган маҳсулоти арзон ва сифатли бўлсагина иш юритиш мумкин. Бизнинг рақобатчиларимиз белоруссияликлар. Улар мана шу ҳарбийлар учун керак бўладиган маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини германиялик мутахассислардан сотиб олишган. Биз эса ана шу технологияни қайта ишлаб чиқиб, ўзимиз маҳсулотни тайёрлашга киришдик. Шунинг учун ҳам юқорида айтиб ўтилган миқдордаги валюталар иқтисод қилинмоқда.

Янги технологияни жорий этиш давомида бизга Ички ишлар вазирлиги, Фанлар академиясига қарашли «Академприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Қурилишпластмасса» ҳиссадорлик жамиятлари яқиндан ёрдам беришди. Натижада ўтган йили айланма маблағимиз 3 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йилдаги икки ойлик кўрсаткич 5 миллион сўмни ташкил этди. Мана шундан ҳам билса бўладики, ишимиз анча ривожланиб бормоқда. Ишимизнинг янада ривожланишига бизлар учун ажратилган имтиёзларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*Куюнчаклик билан ёзилган*

# САВОДСИЗЛИКМИ ЁКИ ЛОҚАЙДЛИК?

***Талабалар ва М. Ҳомидхонов кўчалари орасида жойлашган, узунлиги 1 километр ҳам келмайдиган кўча яқин-яқинларгача Саидов кўчаси деб аталарди ва унинг номи кўчанинг ўзига «Саидов кўчаси» деб кирилл ҳарфларида ёзиб қўйилган эди.***

Мен ишхонамга баъзан шу кўча орқали ўтганим сабабли Саидов кимлиги билан қизиқиб кўрганман ва 1922 йилда Тошкентда Қомуслар Бош таҳририяти томонидан чоп этилган «Тошкент» энциклопедиясида (254-бетда) бу кўча Ўзбекистонда фаолият кўрсатган журналист Арон Саидов (1902-1954 йиллар) номи билан аталишини ўқиган эдим.

Бу кўчада Республика кўз касалликлари шифохонаси, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Тошкент маданий-оқартув техникуми ва бошқа ташкилотлар бор.

Яқинда бу кўча ва унинг атрофидаги бошқа кўчалар номлари лотин ҳарфларида қайтадан ёзиб чиқилди. Барча кўчалар номи саводли қилиб ёзилди. Бироқ Саидов кўчаси энди «Саидова кўчаси» деб ўзгартириб ёзиб қўйилди. Мен бунга тушуна олмадим: кўча Арон Саидов номида қолдими ё Саидова деган аёл киши номига қўйиб юборилдими?

Ахир бу саводсизликми ё лоқайдлик?

*Абдуқаҳҳор МУТАЛОВ, ҳуқуқшунос.*

Янгиликлар, воқеалар

Анжуманлар

## СОҒЛОМ АВЛОД ЗАМИНИ

***Шаҳар Саломатлик марказида 1999 йил аёллар йили муносабати билан «Соғлом аёл — соғлом авлод замини» мавзусидаги анжуман ўтказилди.***

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан ўтказилган ушбу йиғилишда туман поликлиникаларининг бош гинекологлари, хотин-қизлар қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

Қатнашчилар 1999—Аёллар йили муносабати билан оналик ва болаликни муҳофаза қилишда давлат ва жамоат ташкилотларининг вазифалари, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлашда тиббиёт ходимларининг ўрни, аёл, экология ва саломатлик муаммолари, уларни бартараф этиш чоралари, қизларни баркамол аёл этиб тарбиялашда, оила мустаҳкамлигини таъминлашда маданият ва маърифатнинг ўрни, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳалланинг аҳамияти, ҳуқуқий билимларни оилага сингдириш масалалари борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— «Соғлом аёл — соғлом авлод замини» дейилиши бежиз эмас, — деди шаҳар Диагностика маркази бош шифокори Дилфуза Ғуломова. — Шундай экан, соғлом фарзандларни вояга етказишни таъминлаш учун аввало ҳар бир онанинг соғлом бўлишига эришмоғимиз лозим. Бунинг учун эса қиз бола туғилганидан бошлаб уларга алоҳида эътибор билан қараш, уларнинг бенуқсон вояга етишлари муҳим аҳамият касб этади.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА.*

Маънавият

## БОБОЛАР МЕРОСИ — АРДОҚДА

***Сергели туманида «Боболарни ёд этиб» деб номланган қизиқарли адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.***

Унда маънавиятимиз сарчашмалари ҳисобланмиш Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мавлоно Лутфий каби буюк мутафаккирларимиз қолдирган улуғ мерос, уларнинг шеъриятимиз ва тилимизни ривожлантириш юзасидаги хизматлари тўғрисида сўз борди.

Тарихчи олима Муборак Юнусхўжаеванинг «Аёл — давр тарихи» мавзуидаги маърузаси сермазмун бўлди. Йиғилганлар буюк алломаларимиз талқинларида аёллар образи қандай таърифланиши, олдинги асрларда ижод қилиб ўтган биз фахр этадиган аёллар тўғрисидаги қизиқарли маълумотларни марок билан тинглашди.

*Тухфанисо ОРТИҚОВА.*

Камолот

## ЁШ МОДЕЛЬЕРЛАР КЛУБИ

***Республика ёшларининг «Камолот» жамғармасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аёлларнинг оиладаги, давлат ва жамият қурилишидаги роли, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатлари тизимини мукаммаллаштириш бўйича 1999 йилги чоралар давлат дастури тўғрисида»ги қарорини амалда жорий этиш мақсадида жамғарма қошида тузилган ёш модельерлар клубининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Бугунда клуб истеъдодли ёшларни амалий қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон модасини бутун жаҳонга танитиш ва бу орқали шарқ матоларини янада оммалаштириш борасида кенг қамровли ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Йиғилишда қатнашчилар модельерларнинг муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларни жаҳон талабларига жавоб бера оладиган замонавий, шунингдек миллий матолар билан таъминлаш, тайёр маҳсулотларни намойиш этишда намойиш этувчиларни тўғри танлай билиш, чет мамлакатлар моделберлари билан алоқалар ўрнатиш, халқаро миқёсдаги модалар фестивали ва конкурсларда иштирок этишга замин ҳозирлаш, касб маҳоратига эга бўлган модельерлар тайёрловчи ўқув курсларини ташкил этиш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилишда «Ёш модельерлар» клубининг гувоҳномасини тасдиқ этишга қарор қилинди. Клуб томонидан баҳор ва куз фаслларида модалар намойиши ўтказиладиган бўлди. Унда ҳар бир иштирокчи байрамларда кийиладиган, эркаклар, аёллар, болалар кийимларидан иборат бўладиган ўн саккизта коллекция билан қатнашадилар.

*Насиба НАЗИРОВА.*

Таълим

## «ГУЛЛАРНИНГ БОЛАЛАРИ»

***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг «Бизнес олами» ўқув марказида «Гулларнинг болалари» дея номланган инглиз тилидаги қўшиқлар фестивали ўтказилди.***

Инглиз тилини оммалаштириш мақсадида ўтказилган ушбу фестивалда марказнинг лингвистик департаменти жамоалари ҳамда яккахон хонандалари иштирок этдилар, қатнашчилар бош соврин, энг ёш қатнашчи, оригинал эмблема, энг ранг-баранг эмблема учун сингари шартлар орқали ўз маҳоратларини намоён этдилар.

— Бу фестиваль нафақат шаҳримиз болаларини, балки бутун дунё болаларини бирлаштирувчи фестивалдир, — деди «Бизнес олами» ўқув марказининг директори Владимир Яковлев. — Шундай экан, бу сингари фестивалларни фақатгина ўқув марказида эмас, балки бошқа таълим муассасаларида ҳам ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ўйлайман.

Шунингдек, Британия Кенгашининг директори Майкл Мор ҳам сўзга чиқиб, бу сингари фестивалларнинг ўтказилиши болаларнинг кенг дунёқарашга эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб ўтди.

*Нигора ПИРОВА.*



Кулинг дўстлар, умрингиз узоқ бўлади.



**Юсуфжон қизиқ Шакаржонов.**






# ҲАЁТИЙ ХАНДАЛАР

### ЎЗИНГ ЎЧИР

Абулқосим Тўйчиев телевизорда берилаётган эшиттиришни мириқиб томоша қилаётган вақтда, уйқуга вақтли ётган хотини овоз ва ёруғликдан ухлай олмай, илтимос қилди:

— Дадаси, телевизорни ўчиракўлинг.

Абулқосим ака индамади.

— Телевизорни ўчиринг деяпман!

Эшиттиришга берилиб кетган Абулқосим ака пинагини бузмади.

— Кулоғингиз том битганми, телевизорни ўчирсангизчи!

— Ўзинг ўчир!

— Ўрнимдан туриб, овора бўлиб юраманми?

— Ётган жойингда ўчир!

— Нимани?

— Овозингни!

### БАХТСИЗ РАҚАМ

Тошкентлик аскиячилардан Фозилжон Султонов Қодирхон Усмоновдан сўради:

— 13 рақамини бахтсиз рақам дейишади, шу гап ростми?

— Ғирт бемаъни гап. Агар 13 рақами бахтсиз бўлса, 13-уй, 13-маош, 13-фарзанд, 13-транспорт, 13-рақамли футболчи бўлмас эди. Менимча 11 бахтсиз рақам!

— Нега?

— Шу санада хотиним туғилган.

### ЎЛГАН ЭКАНМАН

Қодирхон Усмонов аскиячи рақиби Айниддин Зайниддиновга шикоят қилди:

— Газда тайёрланган таом совуқлик бўлади, деган гап рост экан, шу кунларда силлам қуриб, мадорим кетиб, атак-чечак қилиб қолдим.

— Газдан неча йилдан бери фойдаланасизлар?

— Икки йилдан бери.

— Мен ўттиз йилдан бери газда тайёрланган таом истеъмол қилиб, газда қайнатилган чой ичаман. Гапинг рост бўлса, мен боякиш аллақачон ўлиб кетган эканманда.

### ПИЧОҚНИ БЕР

Қаюм аския хонадонига қийиқчага ўралган гўшт кўтариб келди. Уни дарров тузлаб ва зиралаб қўйиш мақсадида ҳовлидан уйга қараб баланд товуш билан:

— Онаси, пичоқни бер, — деди.

Уйдан ҳеч қандай товуш эшитилмади.

— Хотин, пичоқни бер, деяпман!

Яна жимжитлик.

— Эшак, пичоқни бер!!

Хотини уйдан отилиб, ҳовлига чиқди.

— Вой шўрим, вой шўрим, ичкарида қудангиз ўтирибди, оғзингиздан чиқаётган сўзни қаранг.

— Эй, ўша, хўкиз қудангдан ўргилдим, пичоқни бер!

### ИТНИНГ БОЛАСИ ДЕЙДИ

Аскиячи қора Абдураҳмон сўйилган қўйни осаётган вақтда кўча эшикдан ўғли кириб келди.

— Мактабни бир амаллаб битирганинг учун институтга кира олмадинг, орадан бир йил ўтса ҳам бирор ишнинг бошини тутмадинг, сочингни елкангга тушириб эртадан кечгача кўчада санқийсан, бекорчилик жонингга тегмадими? Мен била олмай қолдим, сен ўзи қандай кучуксан?

— Ундай деманг, дада, бу сўзингизни кўчадагилар эшитса нима бўлади?

— Ўл бўлади, дард бўлади, сенинг қандайлигингни улар ҳам билиб олади!

— Билса, ўзингизга гап тегишидан қўрқмайсизми?

— Менга қандай гап тегар экан?

— Мени кўрганда, итнинг боласи, дейишади-да.

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*

***Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек Давлат драма театри актёри Матёқуб Матчонов билан учрашганимда кўз ўнгимда бундан кўп йиллар муқаддам «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилган «Бозор кўрмаган йигит» видеофильмидаги Дадабой гавдаланиб, унинг «Ҳа, отагинам-а, отагинам» деган сўзлари қулоқларим остида жаранглаб кетгандек бўлди.***

**— Матёқуб ака, «Санъаткор бўлиб туғилиш керак» деган иборага қандай қарайсиз? Умуман, катта санъатдаги йўлингиз ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Менинг назаримда санъаткорлик ҳамма инсонга хос. Ахир ҳис қилиш, кўриш, сезиш, ҳид билиш хислатлари кимдадир кўпроқ, кимдадир камроқ ривожланган бўлади. Санъат йўлига кирган одам қайтиб чиқолмайди. Эрталабдан кечгача ҳамма меҳнат қилиши мумкин, лекин баракани Оллоҳ бермаса, Оллоҳ юктирмаса ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Санъат йўлига киришимга онам Улфат ая сабабчилар. Улар «Алла» қўшиғини ҳанузгача шундай жозибали ижро этадиларки, уни тинглаган одам сеҳрланиб қолади. Онам ниҳоятда ҳазил-мутойибага усталар. Улар менинг санъаткорлик касбини эгаллаганимдан жуда хурсандлар. Ўзим эса бир лаҳза бўлса ҳам халқимиз лабида кулгу пайдо қилаётганимдан, уларнинг юрагидаги ғуборларни юваётганимдан мамнунман.

**— Инсонда турли ҳолатлар алмашиниб туради. Шубҳасиз, санъаткор ҳам бундан мустасно эмас. Демоқчиманки, спектаклга чиқишдан олдинги кайфият ижрога таъсир этмай қолмайди. Ижрочи ўз қаҳрамонининг ташқи қиёфасини эмас, балки унинг ҳиссиётларга бой ички дунёсини ҳам тўлароқ очишга ҳаракат қилади-ку. Шундай эмасми?**

— Тўғрисини айтганда, санъат йўлига кирдингизми, сиз ўз ишингизни бажаришингиз, саҳнага чиқишингиз керак. Лекин санъаткор ҳам инсон, унинг ўзига яраша камчиликлари бор. Масалан, айтайлик, заводда ишлаётган ишчининг кайфияти ёмон бўлса, ясаётган маҳсулоти сифатсиз чиқади. Спектаклга келган томошабин эса жуда бўлмаганда менинг ижроимдан кўнгли тўлмай, «Матёқубга нимадир бўлибди, бугун ўйнолмади» дейиши муқаррар. Баъзан одамлар санъаткорларни жинни бўлиб қолибди дейишади. Буни фақат санъат йўлига кирганларгина тушунадилар.

**— Ҳаётингиздаги энг қувончли дамлар деб қайси пайтларни айтишингиз мумкин?**

— Энг аввало, ёруғ дунёга келганим, Оллоҳнинг мени бекамикўст, тўрт мучамни соғ-саломат қилиб яратгани, илк бор саҳнага чиққан куним.

**— Юсуфжон қизиқ Шакаржонов хотирасига бағишлаб ўтказилган Республика қизиқчи ва аскиячиларининг 1-кўрик-танловида ёш ҳажвчи ёзувчилар, қизиқчи ва аскиячилар ҳам кашф этилди...**

— Биласизми, бизда ҳажвий асарлар ёзадиган ёзувчилар бармоқ билан санарли. Аммо ижрочи талантли актёрлар жуда кўп. Мирзабек Холмедов, Обид Асомов атрофига уюшган актёрларнинг кейинги пайтларда амалга оширган ишларини таҳсинга лойиқ деб ҳисоблайман. Мен уларнинг иши билан анча яқиндан танишман. Улар ўзлари ёзишади, ўзлари режиссёрлик қилишади, ҳам роль ижро этишади.

Ҳаммамизга маълум, кейинги 15 йил мобайнида халқ оғзаки ижодининг аския ва қизиқчилик санъати бироз сусайган эди. Вақти-вақти билан аския оммавий халқ томошаларида, катта-кичик тантаналарда намойиш этиларди, албатта. Бироқ аския ва қизиқчилик санъати билан биронбир маданият ва санъат муассасаси доимий, ижодий ва режали иш олиб бормайди. Танловдан мақсад ҳам ёш қизиқчи ва аскиячиларни кашф этиш. Бугунги қизиқчилик ва аския санъати миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз, халқ манфаати руҳида ривожланиши керак, деб ўйлайман.

**— Актёрлик фаолиятингизда жуда кўплаб роллар ижро этгансиз. Ана шулар ичида ўзингизга энг ёқадиган, кўнглингизга яқини қайси бири?**

— «Отасининг қизи» спектаклидаги Эркин роли ўзимга жуда ёқади. Бу қаҳрамоним ўзбек йигитларининг барча комедик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, содда ва тўпори инсон.

**— Президентимиз 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилдилар. Бу ўтган Оила йилининг бевосита давомчисидай. Ахир оилани аёлларсиз тасаввур этиб бўлмайди-да...**

— Оила ва Аёл. Булар мантиқан бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар. Азал-азалдан бизда аёлларни эъзозлаб асрашга ҳаракат қилишган. Шунинг учун ҳам ички ҳовли, ташқи ҳовли деган нарсалар бўлган. Аёл дунёни тебратади. Аёлларсиз дунёни тасаввур этиб кўринг, бу даҳшат. Буни сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Аёл — бу гўзаллик дегани, меҳр-оқибат дегани. Жуда кўп хорижий юртларда бўлганман. Манаман деган зўр меҳмонхоналарда турганимизда ҳам, ҳафта ўтмасдан кўз ўнгимда онам, рафиқам, қизим гавдаланаверади, азиз гўшам ўзига тортаверади. Ана шунинг учун ҳам Ватанни онага қиёслашади. Она билан Ватаннинг баҳоси йўқ. Дунёда ўзбек аёлига ўхшаган аёл ҳам йўқ деб ўйлайман.

Хуллас, барча аёлларимиз соғ-саломат бўлишсин. Уларни 1 апрель — кулги ва қувноқлик, ҳазил ва мутойибага бой бўлган кун билан чин қалбимдан қутлайман.

*Суҳбатдош Маъпура НАБИЕВА.*

Диллашув

## ТУРМУШДА БУНИНГ АКСИМАН





*Беғубор кулги дилларни яйратади.*

# БЕХАБАР БЎЛСАНГ АГАР...

**Ҳажвия**

Талант табиат томонидан ёзувчига бахш этилган ноёб арғумондирки, уни меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки у меҳнат билан ўсади, вояга етади. Мана қўлимизда заҳматкаш қалам соҳибларидан бири ёш қаламкаш Даврон Избосаровнинг яқинда чоп этилган ҳикоялар тўплами.

Тўпламга киритилган ҳикояларда асосан муҳаббат мавзуси тилга олинади. Олдиндан айтиш кераккки, муаллиф бу борада бирмунча ижобий натижаларни қўлга киритган, кўзлаган мақсадига эришган. Албатта бу билан тўплам бир қатор камчиликлардан мустасно демоқчи эмасмиз. Зеро, дунёда ҳеч бир нарса мукаммал яратилмаганидек, ёзувчиларимиз — томонидан «игна билан қудуқ қазиш»дек машаққатли меҳнат эвазига қўлимизга етиб келган асарлар ҳам бенуқсон бўлмайди.

Келинг, гапни майдалаб ўтирмай, мақсадга ўтайлик. Шу ўринда сўзни китоб сарлавҳасидан бошлаш жоиз деб ўйлаймиз. Унга «Муҳаббат кўзгуси» деб ном берилибди. Хўш, бу билан муаллиф нима демоқчи? Наҳотки у ана шу бир оғиз сўз билан абстракционизмга йўл қўяётганлигини сезмаса. Ахир икки ёшнинг дарди, ҳасрати, ҳис-туйғуси саналган муҳаббатда қачон кўзгу бўлибдики, бу сафар ҳам у ялт этиб кўзга ташланиб турса. Агар «Муҳаббат» сўзи атоқли от маъносида келганда бу фикрга қисман қўшилиш мумкин эди. Зеро бу ерда «Муҳаббат» турдош от вазифасини ўтаяпти.

Энди «Ишқ дафтари» ҳикоясидаги мана бу эпизодга эътибор беринг. «Тўйдан кейин бир ҳафта ўтар-ўтмас ишга борган Фозилжон кечқурун уйга қайтиб келганида турмуш ўртоғи келинчак Барнохон эрини очиқ чеҳра билан кутиб олди-да, ариқ лабида турган обдастани чаққон олиб келиб, Фозилжоннинг қўлига сув қуйди».

Қани, биргалашиб бу сўзларни таҳлил қилиб кўрайликчи, унинг ортидаги маъно ўз ифодасини тўғри топганмикан? Биринчидан, жумла ўлгудек узун, 35 сўздан иборат. Бу китобхонни зериктиради. Иккинчидан, ана шу бир гапнинг ўзида ёзувчи бир нечта хатоликка йўл қўйган. «Тўйдан кейин» жумласи олдига «эскича» сўзи қўшилиши лозим ва зарур деб ўйлаймиз. Чунки шу биргина топилма тўйнинг эскича ўтганини англатиб турарди. Бизнингча, қадимий урф-одату анъаналаримиз тикланаётган бир даврда қаламкаш укамиз ҳаётга тийран кўз билан қараши ва табиийки бу ўзгаришларни ижодкорона дарҳол илғаб олиши керак эди. Бу албатта ёзувчининг топқирлигидан дарак берарди. Ҳеч қачон куёв тўйдан бир ҳафта ўтар-ўтмас ишга бормайди. Чинакам севиб уйланган йигит камида бир ой уйда қайлиғи олдида ўтиради. Ахир бу ерда асал ойи деган гап ҳам бор-ку... Бу албатта ҳаётни синчиклаб ўрганмасликдан, тажрибада синаб кўрмасликдан. Назаримизда қаламкаш укамизнинг ўзи ҳам бўйдоқ кўринади.

Барнохон эрини очиқ чеҳра билан кутиб олиши хусусида гапирмаса ҳам бўларди. Чунки энди чимилдиқдан чиққан келин ҳеч қачон эрини хўмрайиб қарши олмайди. Келиннинг куёв қўлига сув қуйиши муносабатига келсак, бу ўта кетган эгоистлик. Бизнинг давримизга ёт иллат. Ҳозир аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқли замонда Фозилжон қўлини ўзи бориб ювиши, кейинчалик бу ҳақда келинига ётиғи билан тушунтириши, илло, бундан кейин бу сарқитни такрорламаслигини уқтириши лозим деб ўйлаймиз. Қолаверса, техника тараққиёти шундай даражага кўтарилган бир даврда қўл ювиш мосламаси топилмаганмиди, деган фикр ҳам туғилиши мумкинда, китобхонда.

Буюк устоз сўз усталаридан бири шундай деган экан: «Ёзувчи ўзи айтаётган нарсани тўла-тўкис ифода этиши учун у маҳоратни шундай эгаллаган бўлиши кераккки, токи у ёза туриб юраётган одам механика қонунлари ҳақида қанчалик кам бош қотирса, у ҳам маҳоратнинг қонун-қоидалари ҳақида шунчалик кам бош қотирсин». Бу сўзлар қаламкаш укамизнинг байроғи бўлиши керак-да ахир. Афсуски бундай бўлмаган. Натижада тўпламда кўпгина чалкашликларга йўл қўйилган. Фикримизнинг исботи учун яна мисолларга мурожаат қилайлик.

«Тун қиз кўзидек қора эди» дейилади «Фироқ» ҳикоясида. Ёки бўлмаса «Дарахтдаги булбул севишганлар ҳақида қўшиқ айтарди гўё...» Юзаки қараганда юқоридаги фикрлар тўғридек туюлади. Лекин масалага жиддий ёндошилиб, чуқур таҳлил қилинса, ушбу жумлаларда ёзувчи маҳоратининг ожизлиги сезилиб туради. Аввало тун ҳеч қачон қиз кўзидек қора бўлмайди. Чунки кўз тим қора, тун эса бироз ёруғроқ бўлади. Наҳотки қаламкаш дўстимиз осмонда ой ва юлдузлар ҳукм суришини унутиб қўйган бўлса. Агар тасвирда қиш бўлса бошқа гап эди. Бу ўринда биз ҳаво булутли бўлишини назарда тутяпмиз. Лекин ёзувчи ҳикоя қилаётган воқеа айнан ёз палласида ўтяпти. Энди иккинчи фикрга келсак, булбулнинг қўшиқ айтишини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Булбул сайрайди, холос. Қани бу ерда устоз адиб айтган маҳорат?

Муҳаббат мавзуида ёзилган ҳар бир асар ўзининг оригиналлиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак. Ёш қаламкаш бу борада анчагина муваффақиятларни қўлга киритган. Лекин ўхшаш фикрлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, ёзувчининг: «Севги висоли» ҳикоясида йигит қизга таъзим қилиб:

— «Ҳа, сизни севишим рост», — дейди. Ахир бу каби сийқа гаплар устоз ёзувчиларнинг асарларида такрорланавериб, китобхонларнинг меъдасига тегиб кетган-ку. Бизнингча йигит шу гапнинг ўрнига қизга қараб: «Ишқингизда куйиб чўп-устихон бўлиб кетдим», деб бир зум осилган қорнини ичига тортиброқ турганида мақсадга мувофиқ бўларди. Шу гапдан кейин қиз албатта йигитни: бошқачароқ кузатарди. Қорнининг тортилиб қолганини кўриб, йигитга раҳми келарди.

Бир замонлар Машраб: «Бехабар бўлсанг агар, сардафтаримни кавлама» деган экан. Унинг фикрини ривожлантириб, шуни айтиш кераккки, агар ёзувчи ҳаётни билмаса, унинг ёзган асари ҳам ҳамиша хом-хатала бўлади. Устоз ёзувчилар маҳоратини ўрганиш, тинимсиз изланиш, узоқ ва мустақил машқ қилиш натижасидагина ўқувчиларга манзур бўладиган асар яратиш мумкин.

Умуман юқоридаги камчиликлардан қатъи назар бу тўплам китобхонларда катта қизиқиш уйғотади ва уларнинг қалбига тўғри йўл топа олади, деган умиддамиз. Ҳозир тўплам китоб дўконларида сотилмоқда. Уни харид қилишга шошилинг!

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

## ҚАҲҚАҲА

*Кечқурун ҳушёрхонада телефон жиринглади:*

*— Йигитлар, айтинглар-чи, бугун Болтаевни яна обкелишдими?*

*— Йўқ, нимагадир ҳалигача ундан дарак бўлмаяпти.*

*— Кутиб овора ҳам бўлманглар, чунки бугун мен уйда отаётибман!*

* * *

*Мактаб ўқувчиси бўлган подполковникнинг ўғли отасидан сўради:*

*— Дада, ҳарбийлар ҳар қандай вазиятда ҳам босиқликларини сақлаб қола оладиларми? Ёки бу ёш болалар учун бир эртакми?*

*— Йўқ, бу ҳақиқат, — дея жавоб берди ота.*

*— Агар шу гапингиз рост бўлса, Сизга ҳозир кундалигимни кўрсатаман. Фақат баҳоларимни кўриб ҳушингиздан кетиб ўтирманг яна!*

* * *

*Океанда иккита наҳанг учрашиб қолишибди.*

*— Кеча аквалангистни ютиб юборибман, — деди биринчиси шикоятомуз. — Шундай ёмон эканки, ҳанузгача оғзимдан резинанинг мазаси келаяпти.*

*— Нима, жинни бўлиб қолдингми? — деди иккинчиси. — Ахир уларни аввал тозалаш керак эди-ку!*

* * *

*Учта алпқомат йигит машинани тўхтатишди ва эгасига:*

*— Қани ўғирланган машинадан бир туёғингни шиқиллатиб қолчи, — дейишди.*

*— Ахир, бу менинг шахсий машинам, — деб ёзғирди у.*

*— Жуда яхши-да, ҳозир биз кабинага ўтирсак, тамом-вассалом, ўғирланади-да. Қани айт-чи, жонингдан умидинг борми ёки?..*

*Тўпловчи МОҲИНУР.*

*Юртимиз довругини таратганлар*

# ФАҚАТ ЎЗБЕКИСТОН БАЙРОҒИНИ КЎТАРАМАН

***Инсон ўзининг яхши хислатлари ёки қилган хизматлари туфайли элюрт олдида обрў-эътибор топади. Гоҳида уларнинг кўрсатган жасорати ҳатто бутун давлат аҳамиятига молик бўлади. Бугунги кунда мустақил юртимизнинг чин фидойи фарзандлари уни жаҳонга танитишда ўзларининг ҳақиқий маънода хизматларини аямаяпти десак муболаға бўлмайди. Ана шундай юртимиз иқболини дунёга танитаётганлардан бири кикбоксинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони Олмос Юсуповдир.***

Олмос ҳақида ҳикоямизни бошлашдан аввал унинг таржимаи ҳоли билан таништириб ўтишни жоиз топдик. Олмос Юсупов эндигина йигирма беш ёшни қаршиламоқда. Оилада тўртинчи ўғил, учта укаси бор. У ёшлигидан парашют спорти билан шуғулланган ва 98 маротаба самодан сакраган. 1994 йил 6 апрелдан бошлаб «Биллур» клубида кикбоксинг машғулотларига қатнаша бошлади. Устози — Ботир Зокиров. Акаси — Аҳмад ва укаси Зубайлар ҳам шу клубга қатнашади. Миллий таомларни, гитара чалишни яхши кўради. Спиртли ичимликлар ва чекиш унинг учун умуман бегона.

Кикбоксингнинг юртимизга кириб келганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Қувончлиси, спортнинг бу тури республикамизда жадал суръатлар билан тараққий этмоқда. Мамлакатимиз вакиллари қатор халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиб, жуда яхши кўрсаткичларга эришмоқдалар. Олмос Юсупов бир қатор ана шундай нуфузли мусобақаларда қатнашиб юқори ўринларни қўлга киритди. Яъни 1995 йил кикбоксинг бўйича Украинанинг Киев шаҳрида ўтказилган X жаҳон чемпионати, 1997 йилнинг 24-27 апрель кунлари Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида Осиё кубоги учун ўтказилган очиқ халқаро мусобақалар, 1997 йил Татаристоннинг Қозон шаҳрида бўлиб ўтган кикбоксинг бўйича Евроосиё чемпионати, шунингдек 1997 йили Польшада ўтказилган жаҳон XI чемпионатларида иштирок этиб, икки карра жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

Олмос табиатан жуда зийрак ва қизиқувчан бўлганлиги туфайли ҳам бу спорт турининг сиру асрорларини тезда ўзлаштириб, кўзланган мақсад сари имкониятларини ишга сола бошлади. У машғулотларни ўтказишда ҳам, назарий билим олишда ҳам қатъий режага амал қилди. Умуман, узоқни кўзлаган ҳар бир спортчи ўз куч-қудратини оширувчи махсус машғулотлар билан доимий шуғулланиб бориши керак. Бундай машғулотлар эса сизни ҳамиша рақибингиз олдида жасур туришингиз, қолаверса вазиятни теран англашингизда мадад бўлади.

Иқтидорли спортчи айни кунларда профессионал рингга чиқиш учун тайёргарлик кўриш мақсадида янги услубларни ўзлаштирмоқда. У бу жараёнда машқларини бошлаши учун иқтисодий жиҳатдан қийналаётганлигини айтади. Олмосга бошқа давлатлардан, ҳатто профессионал клублардан харидорлар чиқаётган ҳам экан. Улар ҳар гал яхши шароитлар, катта пул, машиналар беришни ваъда қилишса-да, Олмос: «Қарорим қатъий, мен фақат Ўзбекистон байроғини баланд кўтараман. Бошқача бўлиши мумкин эмас», — дея рад жавобини бермоқда.

— Ҳаётимнинг мазмуни кикбоксинг. Унинг сирларини мукаммал эгаллаш жудаям қийин. Бу эса ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қўлга киритаётган ҳар бир ғалабаларимга, — деди Олмос Юсупов, — фақат тўғри машқ, меҳнат, тинимсиз ҳаракат, техникани аниқ ва бехато ўзлаштириш, ўз кучимни тўғри тақсимлай олиш орқали эришмоқдаман. Спорт билан шунчаки номига шуғулланаётганлар ҳам бор, албатта. Аммо мен ўзимни профессионал рингда синаб кўрмоқчиман.

Биз Олмосга профессионал рингда ҳам фақат ғалаба, ишларига омад тилаб қоламиз.

*Очил ҲАЗРАТОВ.*



*СУРАТДА: кикбоксинг бўйича икки карра жаҳон чемпиони Олмос Юсупов (чапдан иккинчи) устози Ботир Зокиров билан мулоқотда.*

*Пойга*

# ХАЙРЛИ АНЪАНАЛАР ТИКЛАНДИ

***Тошкент Отчопарида отчопар пойгаларининг иккинчи босқичи мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ўн тўрт йиллик танаффусдан кейин қайтадан тикланган ушбу беллашувларни ташкил этишдан мақсад ҳам республикада автомобиль спортини ривожлантириш, унинг нуфузини кўтариш, халқаро мусобақаларда баҳслашишга лойиқ автомобиль спорти усталарини етиштиришдир.

Бу гал ҳам «Виражи» спорт-техника клуби, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» жамияти, «Отчопар» от спорти мажмуасининг ташаббуси билан ўтказилган мусобақаларда худди биринчи босқичдаги каби 21 та экипаж 1600 метрлик масофа бўйлаб ўз малака-маҳоратларини намойиш этишди.

— Қатнашчиларнинг умумий маҳоратлари даражаси сезиларли даражада ошганлигининг гувоҳи бўлдик, — дейди мусобақа бош ҳаками Фарҳод ака Қаландаров. — Барча пойгачилар биринчи даврани 1 дақиқадан ҳам тезроқ фурсатда босиб ўтишди. Биротта машина ҳам носозлиги туфайли мусобақадан четлатилмади.

Ғолиблар тўғрисида тўхталадиган бўлсак, 1400 куб сантиметрли машиналар тоифасида техник спорт турлари бўйича республика маркази вакили Андрей Стефанович, 1600 куб сантиметрли машиналар орасида Валерий Владининг (Самарқанд), 2000 куб сантиметрга эга уловлар баҳсида эса Тошкент автомобиль йўллари институти вакили Александр Селенколар ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

«Волга» русумидаги машиналар пойгасида «Бўрон» спорт клубининг аъзоси Сейджали Ибодуллаев зафар қучди. Ғолиблар ҳомийлар томонидан ажратилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, кўп сонли мухлисларининг олқишлари остида 100 метрлик масофага машиналар ва чопқир отлар ўртасида пойга ҳам ўтказилди. Ушбу қизиқарли баҳсда автоуловлар 3:2 ҳисобида устун келишди.

Пойгаларнинг файзли ва қизиқарли ўтишига республика мусиқа мактаб-интернати ҳамда Авиасозлар маданият саройи бадиий ҳаваскорлари ўз ҳиссаларини қўшишди.

*Дилшод ИСРОИЛОВ.*



*СУРАТЛАРДА: отчопар пойгаларидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

*Тадбирлар*

# ЖАҲОН АЁЛЛАРИ ЖАМУЛЖАМ

***Тошкент шаҳар «Гулнора-она» оила марказида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Меҳмондўстлик ва ахборот хизмати» республика жамоат ташкилоти ҳамкорлигида сумалак сайли ўтказилди.***

Унда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган чет эл элчихоналари ва ваколатхоналарида иш олиб бораётган элчиларнинг рафиқалари иштирок этдилар. Қатнашчилар баҳорнинг лазиз таомларидан бири бўлган сумалакнинг тайёрланиш жараёни ва бу таом тарихи билан танишдилар.

— Наврўз баҳор, тинчлик, меҳр-мурувват байрами эканлиги бугунги кунда яна бир бор ўз исботини топмоқда, — деди Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова. — Бу галги Наврўзимиз юртимизда ҳукм сураётган Аёллар йили билан уйғунлашиб кетди. Аёл — она қалби чексиз-чегарасиздир. Шундай экан, бутун дунё аёллари ҳамжиҳатлик билан ўзаро якдил бўлсалар бутун дунёда тинчлик, осойишталик ҳукм суради. Мана бугун Гулнора Йўлчиева ҳомийлигида қурилган марказда жаҳон аёллари жамулжам бўлганлар. Ўйлайманки, мана шундай дилбар давралар бундан кейин ҳам кенг қамровда давом этади.

Сумалак, кўк сомса, кўк чучвара сингари таомлар, ўзбек қизларининг ҳар томонлама етук, баркамол бўлиб етишишлари, уларни турмушга тайёрлаш борасидаги шаҳар «Оила маркази»нинг фаолияти хорижий аёлларда катта қизиқиш уйғотганлигини улар билдирган фикрлардан ҳам билиб олиш мумкин.

— Наврўз байрами, айниқса шу байрам муносабати билан тайёрланадиган неъматлар бизга жуда манзур бўлди, — деди Молдова элчиси рафиқаси Надежда Осмасенко. — Ўзбек аёлларининг айнан шу байрам, шу фаслда янада назокатли, латофатли бўлиши, тўй либосларининг намойиши бизни қувонтирди.

Шунингдек, Бангладеш, Америка Қўшма Штатлари, Германия давлатлари элчиларининг рафиқалари ҳам шу сингари самимий, илиқ фикрларни билдирдилар.

*Нафиса НИЁЗОВА.*







*СУРАТЛАРДА: «Гулнора-она» оила марказида Наврўз айёмига бағишлаб ўтказилган тадбирдан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**Шахсий хонадонларда яшайдиган ва ёниш маҳсулотлари дудбўронлар орқали чиқиб кетадиган асбоблардан фойдаланувчи фуқаролар диққатига!**

«Тошгаз» бошқармаси 1999-2000 йиллар иситиш мавсумига тайёргарлик ишлари олиб борилиши муносабати билан режалаштирилган ҳолда печкачи мўри тозаловчилар томонидан газ асбобларидаги шабадалатиш каналлари ва мўрконларини оммавий равишда туманлар бўйича текширувдан ўтказишларини

**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:**

Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамияти:
— Миробод, Шайхонтоҳур, М. Улуғбек, Чилонзор.
«Т-Нуробод» кичик корхонаси:
— Ҳамза, С. Раҳимов, Яккасарой, Бектемир.
«Олимжон» жамоа корхонаси:
— А. Икромов, Юнусобод, Сирғали.

Мўрконларни текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш ва таъмирлаш масалалари бўйича жойингиздаги тумангаз идораларига ҳамда Тошкент шаҳар кўнгилли ўт ўчириш жамиятига (Темур Малик кўчаси, 114-уй)
«Т-Нуробод» кичик корхонаси (Алиев кўчаси, 72-уй)
«Олимжон» жамоа корхонасига (Лангар кўчаси, 161-уй) мурожаат қилинсин.

Мўрконларни шабадалатиш каналларини текшириш, эҳтиёт чораларини кўриш, таъмирлаш билан шуғулланадиган ходимлар ўзлари билан шахсий гувоҳномаларини олиб юришлари шарт. Муддати ўтиб кетган гувоҳномалар бекор ҳисобланади.

Мўрконларнинг ишга яроқлиги тўғрисидаги баённомалар ўз вақтида тумангаз идораларига топширилмаса, газ асбоблари туман газдан фойдаланиш хизмати ходимлари томонидан огоҳлантиришсиз узиб қўйилади.

**«Тошгаз» бошқармаси**

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БЕРМАНГ!**



*Сизнинг лотерея билетларини харид қилиш учун пул сарфлашингизга ҳожат бўлмайди.*

*Сиз электрдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаган ҳолда ушбу мукофотлардан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.*

*Ҳар чоракда ўтказиладиган қимматбаҳо ютуқлар тиражида электр қуввати учун тўловлар бўйича қарзи бўлмаган маиший истеъмолчиларнинг шахсий ҳисоб рақамлари қатнашади.*

**Навбатдаги ютуқлар тиражи 15 апрелда ўтказилади.**





**Маълумотлар учун телефонлар: 133-82-03,136-60-32.**

**Электр энергияси ҳақини ҳар ойда тўлашни унутманг!**

**Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси.**

**ОЧИҚ ТУРДАГИ «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOC'I» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ акциядорларининг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида БИЛДИРИШ**

Ҳурматли акциядорлар!

**Очиқ турдаги «TOSHKENT SHAHAR TELEFON TARMOC'I» акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши 1999 йилнинг 14 майида соат 10.00да Тошкент шаҳар, Т. Шевченко кўчаси, 17-уйдаги манзилда ўтказилишини хабар қилади.**

Акциядорлар соат 9.00 дан бошлаб рўйхатдан ўтказиладилар.

**Кун тартиби:**

*1. Дирекциянинг акциядорлик жамиятининг 1998 йилги молиявий хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.*
*2. Кузатув кенгашининг ҳисоботи.*
*3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.*
*4. Йиллик бухгалтерлик ҳисоботини, фойдаларни тақсимлаш тартиби ва дивидентларни тасдиқлаш.*
*5. 1999 йил учун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бизнес-режасини тасдиқлаш.*
*6. Кузатув кенгаши шахсий таркибидаги ўзгаришлар.*
*7. Акциядорлик жамиятининг норматив ва таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида.*

**Маълумот учун телефонлар: 133-45-19, 55-77-17.**


Тошкент шаҳар Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармасининг бош эксперти Юсуфжон Олимжонович Ҳамдамовга рафиқаси

**Муҳаббат ҲАМДАМОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.


Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-0182. Босмага топшириш вақти 11.30 1 2 3 4 5 6